**Менглиев Сайфулло Эшқуватович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ техниги

**Нуразизов Раджапбай Купалбекович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Саматов Сардор Нозим ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Собитов Расулжон Валижонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Тлеумуратов Шарафуддин Уралбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Тошбоев Меҳриддин Нормурод ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости мутахассиси

**Усманбеков Насирбек Исмаилович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

**Фармонов Ойбек Рустамжонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Холматов Урол Рахмонович** – Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси катта тезкор вакили

**Юлдашев Мауленбек Журабекович** – Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори

## “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Абдуллаев Қобулжон Абдужамбулович** – Фарғона вилояти Фурқат тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Ахназаров Марат Истакович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Тошкент ҳарбий округи бошқарув аппарати бошқармаси бошлиғи

**Исмоилов Абдувохид Саломович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғи

**Каримов Мирнумон Худойқулович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм цехи чилангар-таъмирловчиси

**Қиличева Раъно Ҳамидовна** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўлинмасининг катта инспектори

**Кодиров Жамшед Собиржонович** – Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Қурбанов Хуршидбек Хидирназарович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи

**Маликов Абдимажит Чутбаевич** – Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази директори

**Очилов Рахимжон Уктамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Очилов Шавкат Очилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Раззақов Ҳасанбой Мирзаевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Андижон вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бош инспектори

**Рахимов Джумабай** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти кафедраси доценти

**Рўзимов Қудрат Кенжаевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

**Сайдалиев Холматжон Ахматович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи

**Тажибеков Есенгелди Сапарбекович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлинма командири

**Умархонов Азизхон Шарипхонович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

**Усманов Шермухаммад Курванбаевич** – Андижон вилоят прокуратураси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда қонунчилик ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи

**Усмонов Бекмурод Темирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони гуруҳи ходими

**Файзиев Олим Мардонович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси бошлиғи

**Хакимов Алишер Нуриддинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Ходжимуратов Шамсиддин Каримкулович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси назорат хизматининг бош инспектори

**Худаяров Джурабек Умаралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма катта офицери

**Чориев Муродали Бараталиевич** – Сурхондарё вилояти Давлат божхона бошқармаси “Болдир” темир йўл чегара божхона пости бошлиғи

**Эшмуродов Баходир Турсункулович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лаборатория бошлиғи

## “Шуҳрат” медали билан

**Абсаламов Бахтиёр Набиевич** – Жиззах вилояти Дўстлик тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳисоботлар ва бюджет даромадларини прогнозлаштириш сектори бош давлат солиқ инспектори

**Акбаров Дилшоджон Жакбарович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази цикли катта ўқитувчиси

**Аширбаев Одилбек Аминбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Ашурова Маъмура Абдирасуловна** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи назоратчиси

**Бердикулов Сирожжон Насипкулович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси цикл бошлиғи

**Джураев Бозарбай Абдукулович** – Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ички аудит бўлими бошлиғи

**Зиганшина Гузал Равилевна** – Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

**Зокиров Азизжон Абдипаттоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

**Имамов Фаёз Акбарович** – Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси ички аудит бўлими бошлиғи

**Камбаров Махмуджан Рахматович** – Тошкент вилояти Тошкент туман прокурорининг катта ёрдамчиси

**Қобилов Санжар Салимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи тўп командири

**Қўзибоев Искандар Фахриддинович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Янгийўл тумани фавқулодда вазиятлар бўлими катта офицери

**Нурлипесов Амир Отепович** – Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг судьяси

**Оллазаров Тўлқинбек Қадамбоевич** – Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Рахимов Шукурилло Рузматович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари - бўлим бошлиғи

**Саттаров Музаффар Шанозарович** – Қашқадарё вилояти Нишон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Скворцова Ирина Евгеньевна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий суд-тиббий ва патологик анатомия лабораторияси лаборатория мудираси

**Содикова Шахноза Хашимовна** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи

**Улугов Кахрамон Худайназарович** – Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Уразметов Махмуд Бабажанович** – Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси катта инспектори

**Уринов Санжарбек Ботиржон ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Файзуллаев Фаррух Шарофович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона тўловлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Хатамов Иброхим Абдухакимович** – Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар адлия бўлими бошлиғи

**Холматов Ойбек Одилевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи йўриқчиси-тўп командири

**Хўжаназарова Максуда Мухаммадиевна** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Шайназаров Исроил Мурадуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисми техник назорат бўлими бошлиғи

**Ширинов Шермамат Туракулович** – Навоий вилояти Навбаҳор тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 28 август

## Маънавият, бу – тақдиримиз, келажагимиздир!

***Маънавият ҳақида кўп ўйлайман. Навоий даврида бу сўз қандай айтилган. Маънолар дунёсими? Ҳикматми? Дури маъноми? Тўғриси, мен буни билмайман. Лекин тушунаманки, маъно нурдай бебаҳо бўлган. Шундай сўзлар бор уч-тўрт марта такрорласангиз йўққа дўнади. На сўз қолади, на маъно. Аммо шундай олтинлар борки, такрорлайверинг, “Олтин” бўлиб тураверади. Нон! Сув! Инсон! Китоб!.. Маъно!.. Бу сўзлар эскирмайди. Инсон ғойиб бўлган куни Маъно йўқолади. Ҳаётда Маъно... Маънавият йўқми, Инсонни тополмайсиз.***

# Инсонийлик аввали

Румий ҳазратлари айтадилар: “Инсоннинг вужуди бир уюм гўнгга ўхшайди. Аммо ана шу гўнг азиздир. Чунки унинг бағрида подшонинг узуги бор”. Демак, инсонда Аллоҳнинг узуги бор... Аллоҳнинг зарраси бор. Бу – Инсонийлик! Инсонийлик кетса-чи!? Маънавият хиралашиб қолса-чи? Қолгани бир уюм гўнг.

Маънавият ҳақида кўп гапираяпмиз. Нега? Ҳаёт маъносига нима бўлди? Заифлашаяптими? Йўқолаяптими? Ахир, биз дунё маънавиятига нур берган халқмиз. Безовталигимиз сабаби, нимада? Не ҳолки, бу ҳақда чуқур қайғураяпмиз?!

Назаримда, дарахтга доимий озуқа, сув, нур, меҳр бериб турсангиз, кўркамлашиб бўй чўзаверади. Бепарво қарасангизчи? Афсусда қоласиз. Ҳар қандай улкан дарахт ҳам сарғайиб, ҳолдан тояди. Озгина қора шамолда гурсиллаб қулайди.

Маъно-ю гавҳарда забардаст юртмиз. Лекин ўйлаб қоламан, динни қуролга айлантираётганлар қаердан пайдо бўлаяпти? Оммавий маданиятга ружу қўяётганларчи? Бачкана, шарманда қўшиқ айтаётганлар кимлар? Ярим яланғоч юрганлар... шулар маънавиятми? Уюм-уюм пулларга чўкаётган порахўрлар... кимлар? Қайси қавмдан? Ўн йил йиғиб, бир кунда тўйга сочаётганлар... маънавиятли одамларми? Наҳотки? Гўзал Ватанда! Бир марта бериладиган ҳаётда... умрни ҳавога совуриш... маъно қани? Маънавият қани?

Қишлоғимизда Юсуф бобо деган донишманд бобо бор эдилар. Дарахт соясида 3-4 нафар кексалар суҳбатлашиб, гурунглашиб ўтирсалар бир йигит кўринипти. Қайси бир катта шаҳардан келган. Устидаги кийимларида алламбало ваҳший ҳайвонларнинг сурати. Оғзида сигарет. Гапиришлари беўхшов... Ўтиб кетибди. Ёнидагилар Юсуф бободан сўрашибди:

– Бу кимнинг боласи?

Юсуф бобонинг жавобини қаранг!

Эшакку ўзимизники, лекин тўқими бошқа ... тўқими бошқа...

Буюк ёзувчи Чингиз Айтматов “Маънавиятга эришмай туриб, биз ҳеч қачон фаровонликни қўлга киритолмаймиз”, деганлар. Юрагингиздан ўтказиб кўринг, маънавиятда обод бўлмасак, обод ҳаёт қаёқдан келади?! Ғойибдан пайдо бўладими?

*Тақдирин қўл билан яратур инсон,*
*Ғойибдан келажак бахт бир афсона.*
**(Ғ.Ғулом.)**

Қаерда маъно йўқолса, маънавият йўқолса, ўша ерда ҳаёт нобуд бўла бошлайди. Вужуддан маъно кетдими, уни қоронғулик эгаллайди.

Уйки... инсон йўқ... Зулумотда ҳувиллаб ётибди. Зулумот уйни – зулумот вужудни залолат босади. Ҳувиллаб ётган уйни илонлар эгаллайди. Болалайди, бижғийди. Илонлар бир жойда ётмайди. Ҳар томонга кўринмай изғийди. Вужудни, тафаккурни маъно-ю маънавият билан нурафшон қилсак, бундай уйда Инсон яшайди. Инсонийлик яшаётган уйга илонлар келолмайди. Чунки уларда инсонлик йўқ, илонларда илонлик бор.

Бугун Маънавият ҳақида теранроқ ўйламасак бўлмайди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Анча муддат, Маънавиятни уйдан ташқарига, совуққа чиқариб қўйдик. У кўчада қийналиб қолди. Жимликда йиғлаган пайтлари бўлди.

Президентимиз олиб бораётган ислоҳотлар менга шундай туюладики, ўлаётган маънавиятни тирилтириш даври бошланди...

Озгина маънавияти бор инсон буни кўриб турибди. 5 та муҳим ташаббус. Китоблар... китобхонлик... Қандай қилиб ҳайратга тушмайсиз?! Маънавиятнинг юраги – КИТОБЛАР! Ахир қанча китоблар, кутубхоналар йўқолиб кетдику?! Томашабин бўлиб турдик... Гўёки АРМларга бирлаштирилди. Китобу Илм масканни мактабнинг аҳволи нима кечди? Коллежлар қоғоздаги ўқувчилар кошонасига дўнди. Олий таълимчи?

Маънавият, маърифат, илму-фан таназзулда қолди. Буни ҳамма кўриб турибди. Президентимиз инқилобий ислоҳотларга аҳд қилди. Бу маънавиятга ҳаёт бахш этмоқда.

Маънавиятнинг устуни – китобу кутубхоналар... Йўқотиш ҳамиша осон. Бунёд этиш машаққат. Кутубхоналар қишлоқларга қайтаяпти. Тикланаяпти. Китоблар қишлоқ хонадонларига бораяпти. Барча жойларга китоблар карвони йўл олаяпти. Бўлдими? Шу билан маънавиятимиз энди зўрми? Кечирасиз, юксак маънавиятга ҳали анча бор. Бу соҳада ҳам қоғозбозликни, хўжакўрсинчиликни, бепарволикни, таниш-билишчиликни, саводсизликни, порахўрликни, виждонсизликларни енгиб ўтиш керак. Ў, бу осон эмас. 30-40 йиллаб кутубхонада ишлаб битта китоб ўқимайдиган кутубхоначилар йўқ дейсизми? Кутубхоналар очилаяпти, китоблар минглаб бораяпти. Китоблар ўқилаяптими? Китоб ўқиш, ўқитиш графиклари қоғозда...фақат қоғозда 100 фоиз эмасми? Ҳамма гўёки китоб ўқимаётгандай кўринмаяптими? Одамлар кўнгли билан, юраги билан, қалб эҳтиёжи билан китоб ўқиши учун нима қилиш керак?! Олий даргоҳлардаги ўқиш диплом учун. Пул учун. Мактаблардаги ўқиш мажбурийликдан. Бошқа жойларда ўқиш хўжакўрсин учун. Биз қачон ҳаётни англамоқ учун ўзимизни тушуниб етмоқ учун... қачон китоб ўқиймиз? Қачон маънавиятли бўламиз? Бу саволлар мени кўп ўйлантиради. Китоб ўқимаган, ўзини билмаган одамнинг “мен”и бўлмайди. Уни НАФС саргардон қилади.

Маънавиятнинг даражаси қандай бўлса, ободлик даражаси, тараққиёт даражаси айнан шундайдир. Шундай давр келдики, маънавият тақдири – мамлакат тақдиридир. Буни тушунмаслик Ватанни англамасликдир. Бугун маънавиятга хиёнат Ватанга хиёнатдир.

**Менгнор ОЛЛОМУРОД,**
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

Самарқанд вилояти

# Қишлоққа сув келди

***Пайариқ туманидаги Жовшарота қишлоғида яшовчи ёшу қари тоза ичимлик суви келганидан хурсанд. Шу пайтгача узоқ-яқиндан сув ташиб, ўз эҳтиёжини қондириб юрган икки юздан ортиқ хонадон аҳли бугун уйигача кириб келган жумракни очаяптию обиҳаётдан баҳраманд бўлмоқда. Энг муҳими, жумракдан келаётган сув оддий қудуқларга нисбатан тоза, кафолатли.***



– Отасига раҳмат қурувчиларнинг, бор-йўғи икки ой ичида икки ярим километрга 70 диаметрли пластик қувурлар ётқизилди, янги трансформатор, сув насоси ўрнатилди. Бу ускуналарнинг атрофи темир панжара билан ўраб чиқилди. Сув иншоотининг бошқарув хонаси янгиланди. Муҳими, барча ишлар сифатли бажарилди ва яна сув ўн-ўн беш метрдан эмас, балки 130 метр чуқурликдан олинмоқда. Бу масалада ер ости билимдонлари – гидрогеологлар қурувчиларга энг яқин маслаҳатчи бўлишди. Очиғи, бу жараёнда маҳалла оқсоқоли сифатида иштирок этдим ва сув келтириш айримлар ўйлаганидек осон иш эмаслигига яна бир карра амин бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш энг муҳим масала сифатида кўтарилган экан, бунинг натижаси албатта, элимизнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Бизга шундай шароитни яратиб берган Президентимизнинг умрлари узоқ бўлсин! Ахир, шу қувурни тортишни сўраб оз эмас, кўп эмас ўн йиллардан ортиқ турли ташкилотларга қатнайвериб, илтимос қилавериб, ичимиз куюб кетган эди-да, – дейди маҳалла оқсоқоли Абдумажид бобо Неъматов.

Президентимиз томонидан тасдиқлаб берилган ва юзлаб қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб юбораётган “Обод қишлоқ” дастурига кўра, Пайариқ туманидаги Жовшарота, Жувозхона ва Деҳқонбобод қишлоқларига ичимлик суви қувурларини тортиб келган тажрибали қурувчи “Саидмаҳмудхон барака нур” МЧЖ раҳбари Ғафур Рўзиев билан бобонинг хонадонида бўлдик. Юз тупдан ортиқ турли мевали дарахтларнинг шохлари ҳосилнинг кўплигидан эгилиб кетган. Томорқада бир рўзғорга нима керак бўлса, барчаси шу кичик жойда етилмоқда. Бобо бу йил иссиқхона ҳам ташкил этмоқчи.

– Одам бир ишда, фаолиятида тежамкорлик билан яшаса, қадр топади. Биргина сувни олинг. Бу ҳам Аллоҳнинг бебаҳо неъмати. Жумрагини очиб қўйсангиз, оқади кетади, исроф бўлади. Эртага унинг бир култумига зор бўлиш ҳеч гапмас. Унинг нечоғлик қадрли эканини чўлу биёбонда яшаётган одамдан сўранг! Айтайлик, Арабистон ярим оролида сувнинг бир култуми неча долларга тенг. Бу гапни қишлоқ гурунгларида, маъракаларда қайта-қайта айтаяпман. Керагини олдингми, жумракни ёп, болаларни ҳам шунга ўргатайлик! Бу ҳам аслида, тарбиянинг бир бўлаги, – дейди Абдумажид бобо. – Менимча бу ҳақда газета-журналларда кўпроқ ёзиш, телевизорда тарғибот қилиш керак. Чунки эзгуликка ундовчи сўзнинг ортиқчаси, кўпи бўлмайди.

Бобонинг сўзларига кўра ҳар қарич ер нон каби азиз.

– Шу боис, набираларимни ёнимга олиб, деҳқончилик қилаяпман. – Бир ярим гектардан ортиқ жойда боғ барпо этдик. Шу ўринда яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Биласизми, газетангизда энг зўр боғ яратган, янги навлардан самарали фойдаланаётган одамлар ҳақида ўқиб қолсам, улардан ибрат олгим келади. Чунки еримиз шу қадар унумдорки, унга қуриган таёқни суқиб қўйсангиз, азбаройи кўкариб кетади. Фақат диққату меҳрни дариғ тутмай ҳалол меҳнат қилиш керак. Ахир, қишлоқда яшасангизу манави пайкалимда етилаётган картошка, сабзи ё бодрингни бозордан оламан-да, десангиз, уят-да. Қолаверса, тўкинлик бир жиҳатдан ўз қўлинг ва ғайратинг билан бирор нарса яратиш, дастурхонни тўлдириш ҳам дегани... Шундай эмасми?..

**Шароф СУЛТОНОВ,**
**журналист.**

# Ҳуррият

Эшқобил ШУКУР

*Тол бешикка гулдай таянган, сингилим,*
*Саҳар-саҳар қушдай уйғонган, сингилим.*
*Ўнг тиззангга ул олиб сууар бўлдинг,*
*Чап тиззангга қиз олиб сууар бўлдинг.*
*Тол бешикка тўданалар тақасан,*
*Тов бошидан сочалалар сочасан.*
*Уй тўрига улинг қуллуқ бўлсин-а,*

*Дил тўрига қизинг қуллуқ бўлсин-а.*
*Қўш бешикка эгиз ҳамар беланган,*
*Бешик боғи осмонларга уланган.*
*От бошида дардим бор, айтиб ўтай,*
*Элдан ният қарзим бор, айтиб ўтай:*
*Худо қабул қилсин, хуш ният бўлсин,*
*Болангга бош давлат Ҳуррият бўлсин!*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
"ЎЗСУВҚУРИЛИШТАЪМИНОТ" РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТИЗИМИДАГИ

## «ПОПДАВСУВМАХСУСПУДРАТ»

давлат унитар корхонаси жамоаси



барча ватандошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрам – мамлакатимиз Мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий табриклайди.

*Юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи кезиб юрган айни лаҳзаларда барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, амалга ошираётган эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Қалбларингиздан шоду-хуррамлик, хонадонларингиздан қут-барака аримасин. Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, истиқболимиз порлоқ, Истиқлолимиз абадий бўлсин!*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
"ЎЗСУВҚУРИЛИШТАЪМИНОТ" РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТИЗИМИДАГИ

## "МИНГБУЛОҚДАВСУВМАХСУСПУДРАТ"

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ




*муҳтарам юртдошларимизни, меҳмонларни, ирригация ва мелиорация соҳаси фидойиларини, устозларини ва барча ҳамкасб дўстларини яқинлашиб келаётган қутлуғ айём билан қизгин табриклайди ҳамда барчаларига тани сиҳатлик, ишларига унум, касбу корларига барака тилайди. Илоҳим, жаннатмонанд юртимизни Яратганнинг ўзи асрасин, нияти пок, бағрикенг, аҳил-иноқ элимизга доимо саодат ёр бўлсин!*

28 йил

## Реклама ва эълонлар

### "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади:

**"Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 22.08.2019 йилдаги №53(9020)-сонида берилган хабарномадаги Жиззах вилояти, Зомин туманида жойлашган "Зомин деҳқон бозори" 1 қаватли мажмуаси бўлган кўчмас мулкнинг аукцион савдосидан олинганлигини маълум қилади.**

**Асос: Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 28 августдаги 801-сонли хати.**

Тошкент ш. С.Ҳ.Сирожиддинов номидаги академик лицей томонидан 2019 й.да Зарипов Расулбек Нариман ўғли номига берилган L 376360 рақамли диплом йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

"RAQS MUBINA SERVIS" МЧЖ (СТИР 302350244) устав фонди 112 803 066 (бир юз ўн икки миллион саккиз юз уч минг олтмиш олти) сўмдан 98 833 566,00 (тўқсон саккиз миллион саккиз юз ўттиз уч минг беш юз олтмиш олти) сўмгача камайтирилади. Манзил: Юнусобод т. К.Зарипов кўч. 10-уй, 1.

Янгийўл т. 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан Азимова Умида Абдурахимовнага берилган 1989-1990 ўқув йилида 11-синфни битказганлик ҳақидаги 177144 рақамли аттестат йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Тошкент ш. 6-Бизнес мактаби томонидан Гатауллин Ринат Исламович номига 1998 й.да берилган КХТ 011008 рақамли диплом йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Тошкент ш. Қўйлиқ-4 массиви 14-уй 33-хонадонга Готовкина Римма Михайловна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганли муносабати билан бекор ҳисобланади.

Шайхонтоҳур т. 76-сонли мактаб томонидан 1974-1975 ўқув й.да Шамсутдинов Рушан Саматовичга берилган А 963685 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Олмазор т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатга олинган ЯТТ "ABDUSAMATOV ABDUMAJID ABDURAXIMOVICH"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганли муносабати билан бекор қилинади.

Олмазор т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "JOMIY PANNO" ХКга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Юнусобод т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "COMPANY OF PARTNERS" ХКга тегишли бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент вил. Зангиота т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "ROYAL-PLAST LEKSON" МЧЖга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент вил. Тошкент т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатга олинган "OLTIN-DIYOR-TEGIRMON" МЧЖга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Олмазор т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "UNIVERSAL DRY MIX" МЧЖга тегишли бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент вил. Бўстонлиқ т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "TRUBCHEVSKIY SHOKOLAD" МЧЖга тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент вил. Тошкент т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "GIGA SOFT MEDIA" МЧЖга тегишли бир дона думалоқ муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Олмазор т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган ЯТТ "KARAVAN GAZ SERVIS"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Сергели т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган ЯТТ "PHONE MART"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Олмазор т. "YAGONA DARCHA MARKAZI" томонидан рўйхатга олинган ЯТТ "ARIPOV SHERZOD XAKIMDJANOVICH"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Олмазор т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган ЯТТ "ARIPOVA GULBAXOR ABDURAXIMOVNA"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Яккасарой т. ДХМ томонидан 2018 й. 28 ноябрдаги реестрининг 565869-сонли тартиб рақам билан қайта рўйхатга олинган "ONS TRADE ENGINEERING" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонанинг устав фонди 605 000 000 (олти юз беш миллион) сўмдан 400 257 787,73 (тўрт юз миллион икки юз эллик етти минг етти юз саксон етти сўм 73 тийин) сўмга камайтирилишини маълум қилади. Даъволар учун тел.: (+99899) 895-57-50.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицей томонидан 2016 й. Хабибуллаева Нигина Маъсуд қизига L 287969 рақам билан берилган диплом йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

"SPART SISTEM" МЧЖ устав фонди 106 805 200 (бир юз олти миллион саккиз юз беш минг икки юз) сўмдан 140 000 000 (бир юз қирқ миллион) сўмга ошаётганлиги кредиторларга маълум қилинади.

## Реклама

PLANETA SERVIS

**TRAKTORBOR.UZ**

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

TOGLAR

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БП-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальтоrез
- Подъемник БП-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар



Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси сув хўжалиги соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келган **Ахтам ТЎРАЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.
**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

**Вилоятлар:**

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99893) 349-54-39; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 520-20-05; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | – | (+99897) 290-28-88. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-825, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди.

**4 092** нусхада чоп этилди.
**НАШР ИНДЕКСИ – 144**
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **04.50**

ISSN 2010-7021

**Навбатчи муҳаррир:**
А.ҲАҚБЕРДИЕВ